

(XVI асрнинг 2-ярми – 1623-йил)
(1602-1623)

Хива хони. Шайбонийлар сулоласидан Хоразм хони Хожи Мухаммадхон (Хожимхон) (1598-1602-йиллар)нинг кенжа ўгли. Отаси ҳаётлигида Хива ҳокими бўлган. Отаси вафотидан сўнг 1602-йили хонлик тахтига чиққан. Абулғози Баходирхоннинг ёзишича, унинг даврида Россия чегарасини кўриклаб турган Ёйик казаклари атамани Нечай ва атаман Шамай бошчилигида Урганчга хужум қилдилар. Уларни Хива кўшинлари тор-мор қилдилар. 1620 ва 1621-йилларда калмоқлар Хоразмга юриш қилиб, қишлоқларни асирга олганлар. Унинг даврида Хива хонлигига калмоқ ва козоқлар бир неча марта хужум қилиб галабага эриша олмадилар. Араб Мухаммадхон даврида Хива хонлигида давлат парокандалик юқори нуктасига етган. Амударё ўзанинг ўзгариши ва натижада унинг қуриб бориши бу даврда ҳам давом этди. Натижада, Араб Мухаммадхон хонлик пойтахтини Урганчдан Хивага кўчиришга мажбур бўлган. Тарқоқлик ва урушлар авж олганлиги Хиванинг маъмурий тузилишига таъсир этди. Араб Мухаммадхон даврида ички низолар авж олиб, хонликнинг маъмурий тузилишига салбий таъсир этган. Чунончи, ҳар бир шахзоданинг ўз ерида шахсий идора аппарати – ўз аёнлари, хазинаси, ясовуллари, божхона хизматчилари ва бошқалар бўлган. 1623-йилда ўғиллари Хабаш ва Элбарс султонлар тахт талашиб унга қарши уруш бошладилар. Бу урушда Араб Мухаммадхон енгилиб, Қум қалъага қамалган ва ўша ерда 1623-йилда вафот этган.